

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-92

« 5 » СЕНТЯБРЬ 2017 й.г.

“Давархитектқурилиш”
қўмитаси раиси
Б.И.Закировга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ
“Парламент назорати тўғрисида”ги
Қонуннинг 15-моддаси асосида

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чораларни қўллаш ваколатини босқичма босқич судларга ўтказиш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 18-бобида маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишларни кўриб чиқадиган органлар белгиланган.

Хусусан, кодекснинг 268-2-моддасига кўра, архитектура ва қурилиш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида (истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Кодекснинг 178-моддаси рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Кодекснинг 268-1-моддасига кўра, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органларига ушбу Кодекснинг 178-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиздан,

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасининг тегишли қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар архитектура ва қурилиш органлари томонидан қай даражада кўрилатганлиги, кейинги йилларда кўриб чиқилиши статистикаси тўғрисида,

архитектура ва қурилиш органлари томонидан айти пайтда жойларда аниқланаётган қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик қай тарзда қўлланилаётганлиги тўғрисида, кейинги йилларда кўриб чиқилиши статистикаси тўғрисида маълумот беришингизни ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича нуқтаи назарингизни баён этишингизни сўрайман.

Хурмат билан,

Ў.Турсунов